

**ИЛОВАЛИ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИДА СИНТАКТИК
ВОСИТАЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ****Эштухтарова М.***СамДЧТИ магистранти*

Иловали гап элементларга хос бўлган айрим хусусиятлар йирик германшунос олим В.Г. Адмонининг илмий концепцияларида оддийгина такрорланиб қолмасдан, балки ўз ривожига ҳам эга бўлади. В.Г. Адмони иловали гап элементларга нисбатан куйидагича фикр билдиради: “Иловали гап элементлар бу «кўшиб» ёзиш ёки «кўшимча» қилишнинг маҳсулидир. Тил унсурларининг кўшимча сифатида киритилиши сўз ва сўз бирикмалари орасида синтактик муносабатларнинг мавжудлигига боғлиқ” (В.Г. Адмони, 1973, с.69). Ҳақиқатдан ҳам худди шундай, синтактик муносабатлар бор жойда албатта синтактик ўзгаришлар содир бўлиб туради. Бундай ўзгаришлар айрим гап элементларнинг фақат ажратилиш жараёнига эмас, балки ана шу ажратилиш имкониятига эга бўлган гап элементларнинг матн доирасида ёйилиш даражасига ҳам таъсир кўрсатади. Шунга биноан иловали гап элементларнинг ёйилиш даражаси ҳам ҳар хил бўлиши мумкин.

В.Г. Адмони ўзининг немис тили синтаксисига оид илмий назарий монографиясида иловали гап элементларнинг матн доирасида ёйилиш даражаси тўғрисидагина фикр билдирибгина қолмай, шу билан бирга қайси гап элементлар иловали элементлар функциясида кела олиши мумкин деган жумбоқли муаммоларнинг ечилишига ҳам улкан ҳисса қўшади.

Иловали гап элементларнинг маълум гап элементларга нисбатан бажариб келаётган функциялар ранг-баранг ва кўп кирралидир. Мураккаб гап синтаксисининг таркибий қисми бўлмиш иловали гап элементлар бошқа тилларда ҳам тилшунос олимларнинг илмий тадқиқот ишлари объекти бўлиб келган. Масалан, рус тили соҳасида иловали гап элементлар устида илмий тадқиқот ишлар олиб борган йирик тилшунос олим - бу А.Г. Рудневдир. Биз ишимизнинг бошланишида А.Г. Рудневнинг рус тили материаллари асосида ёзилган «Мураккаб гап синтакси» номли монографик асаридан айрим фикр ва мулоҳазаларни келтирдик. А.Г. Руднев ўзининг ушбу монографиясида иловали гап элементларни юзага келтирувчи интонация, пауза, таъкидлаш (яъни мантиқий урғу), талаффуз темпаси каби синтактик омиллар билан бир қаторда инверсия (лотин тилидаги “inverso”- сўзидан олинган бўлиб, унинг маъноси гапда, жумлада сўзларнинг одатдагидан бошқача жойлашиши, ўрин алмашиши, маъноларига эга) ҳодисасига ҳам алоҳида урғу беради.

А.Г. Руднев ўзининг илмий ишларида иловали гап элементларнинг ҳозирги ҳолатига эмас, балки унинг тарихига ҳам катта аҳамият беради. Бошқачароқ қилиб айтганда, у иловали гап элементларнинг тарихини ўрганиш билан қизикади. Натижада унинг: «Рус тили тарихида иловали гап элементлар» номли иккинчи китоби

майдонга келади. А.Г. Руднев ушбу асариди иловали гап элементлар масаласини ўрганишда қўлланиладиган методологик принципларини келтириш билан бирга, гап таркибида иловали гап элементларга таъсир қилувчи синтактик воситаларни ҳам қайд этади. А.Г. Рудневнинг ушбу монографиясида ажратилган гап элементларнинг юзага келишида бевосита таъсир қилувчи синтактик воситалар сон ва сифат жиҳатидан унинг биринчи китобида келтирилган худди шундай омиллардан фарқ қилади. Улар: «1) интонация; 2) пауза; 3) таъкидлаш (яъни мантикий урғу); 4) талаффуз темпаси; 5) сўз тартиби; 6) ёрдамчи сўзлар; 7) синтактик алоқалар 8) тиниш белгилари» (А.Г. Руднев, 1959, с. 37). А.Г. Руднев томонидан иловали гап элементлар устида олиб борилган илмий ишлар илова ҳодисаси ҳам бошқа синтактик ҳодисалар каби ўзининг узоқ тарихига эга эканлигини ва уни тилнинг ҳамма соҳалари бўйича ўрганиш лозимлигини алоҳида таъкидламоқда.

Баъзи ҳолларда иловали гап элементлар мустақил мавзу сифатида ҳар хил тилларда ўрганилишига қарамасдан, шу мавзу бўйича олиб борилган илмий - тадқиқот ишларнинг натижалари бўйича чиқарилган хулосалар худди бир-бирини такрорлагандек, бир-бирига ўхшашдек сезилади. Фикримизнинг исботи учун бу ерда, энг аввало, рус тили материаллари асосида иловали гап элементларни ўрганиш бўйича келтирилган айрим хулосаларга диққат эътиборни қаратайлик. Ана шундай хулосалардан бири Е.С. Скобликованинг рус тилида содда гапларнинг ўрганишга бағишланган «Ҳозирги замон рус тили» номли илмий монографиясида келтирилган. У иккинчи даражали элементлардан қайси бири кўпроқ ва қайси бири камроқ иловали гап элементлар функциясида кела олиши мумкин деган саволга жавоб бериш мақсадида, ўзининг ушбу соҳа бўйича олиб борган илмий кузатишларини қуйидагича ифодалайди: «Илова ҳодисасига одатда гап бўлагининг «эркин, ихтиёрий» ва асосий сўзга нисбатан унчалик яқин алоқада бўлмаган компонентлари ҳисобланмиш - аниқловчилар, изоҳловчилар ва ҳоллар учрайди. Тўлдирувчилар эса гап таркибида асосий сўзнинг зарурий элементи бўлганлиги ва улар ўртасидаги синтактик алоқалар жуда ҳам мустаҳкамроқ (зичроқ) бўлганлиги туфайли илова ҳодисасига учрамайди» (Е.С. Скобликова, 1979, с. 207).

Е.С. Скобликовани иловали гап элементларнинг матн доирасида ёйилиш даражаси тўғрисида келтирилган ушбу хулосасининг немис тили материаллари асосида иловали гап элементларни ўрганишга бағишланган илмий ишларда такрорланганлигини кузатиш мумкин.

Баъзи ҳолларда иловали гап элементларнинг матн доирасида ёйилиш даражаси тўғрисида чиқарилган хулосалар бир-бирига қарама-қарши ҳам бўлиши мумкин.

Иловали гап элементларнинг матн доирасида ёйилиш даражаси турли тилларда ҳар хил бўлиши, яъни уларнинг мос келмаслиги мумкин. Бу табиий ҳол. Сабаб у ёки бу иловали гап элементларнинг ёйилиш даражаси фақатгина уларга таъсир этувчи синтактик воситаларга, омилларгагина боғлиқ бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, у ёки бу тилнинг грамматик қурилишининг қонуниятларига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам илмий-тадқиқот ишлар доирасида, ҳар хил тил

материаллари асосида у ёки бу ҳодиса тўғрисида чиқарилган хулосаларни бир-бирига қиёс қилиб ўрганиш, бизнингча фойдадан холи бўлмас. Илмий ишлар таҳлиliga бундай ёндашиш барча тилларга хос бўлган типологик қонуниятларни изоҳлаб беришда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. Адмони В. Г. Синтаксис современного немецкого языка. Л., 1973. -С. 366
2. Руднев А. Г. Обособленные члены предложения в истории русского языка. - Ученые записки Ленингр. гос. пед. ин-та, том 174. -Л., 1959. -С. 254
3. Скобликова Е. С. Современный русский язык. Синтаксис простого предложения. -М., 1979. –136 с.